

## Мерос илмида «авл» тушунчаси (иккинчи мақола)



12:30 / 05.05.2020 1552

Авл бўлмайдиган масалалар

Асли икки бўлганда авл бўлмаслигига мисоллар:

- Аёл кишининг ортидан эри ва туғишган синглиси қолди.

Бунда масаланинг асли икки бўлади. Эрига бир, туғишган синглисига бир улуш тегади. Яъни мероснинг ярми эрига ва ярми туғишган синглисига тегади.

— Аёл кишининг ортидан эри ва ота бир синглиси қолди.

Бунда ҳам масаланинг асли икки бўлади. Эрига бир, ота бир синглисига бир улуш, яъни мероснинг ярми эрига, ярми ота бир синглисига тегади.

Бу масалалар мерос илми уламолари истилоҳида «икки етим масала» деб номланади. Чунки ушбу икки масаладан бошқа масалада фарз эгаларининг меросни тенг бўлиб олишлари учрамайди.

- Эркак кишининг ортидан қизи ва асабалари қолди. Бунда ҳам масаланинг асли икки бўлади. Қизга бир улуш - мероснинг ярми ва асабаларга бир улуш - мероснинг ярми тегади.

Асли уч улуш бўлган, авлсиз масалаларга мисоллар:

- Эркак кишининг ортидан иккита она бир биродари ва бир туғишган биродари қолди. Масаланинг асли учдан иборат бўлади. Иккита она бир биродарга учдан бир ва туғишган биродарга қолган учдан икки улуш тегади.

- Аёл кишининг ортидан икки туғишган сингил ва ота бир биродар қолди. Масаланинг асли учдан иборат бўлади. Бунда икки туғишган сингилга учдан икки ва ота бир биродарга учдан бир улуш тегади.

- Эркак кишининг ортидан иккита туғишган сингил ва иккита она бир сингил қолди. Масаланинг асли уч улушдан иборат бўлади. Бунда икки туғишган сингилга учдан икки ва икки она бир сингилга учдан бир улуш тегади.

Асли тўрт улуш бўлган, авлсиз масалаларга мисоллар:

- Аёл кишининг ортидан эри, қизи ва асабалари қолди. Масаланинг асли тўрт улушдан иборат. Эрига тўртдан бир, қизига ярим, асабаларига қолгани тегади. Яъни эрга бир улуш, қизга икки улуш ва асабаларга бир улуш.

Асли саккиз улуш бўлган, авлсиз масалаларга мисоллар:

- Эр кишининг ортидан хотини, қизи ва асабалари қолди.

Хотинига саккиздан бир, қизига ярим, асабаларига қолгани тегади. Масаланинг асли саккиз улушдан иборат. Хотинга бир улуш, қизга тўрт улуш ва асабаларга уч улуш тегади.

- Эр кишининг ортидан хотини ва ўғли қолди.

Хотинига саккиздан бир, ўғлига қолгани тегади. Масаланинг асли саккиз улушдан иборат. Хотинга бир улуш, ўғилга эса етти улуш тегади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**